O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 30-yanvar, seshanba, 4 (387)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Термиз шаҳридаги «Оффис Арт Дизайн» масъулияти чекланган жамияти фаолияти кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар харидоргир ва сифатлилиги билан ажралиб туради.

— Корхонамизда 20дан зиёд ишчи меҳнат қилади, — дейди унинг раҳбари, ёш тадбиркор Феруза Холмирзаева. — Бугунги кунда уларнинг саъй-ҳаракати билан турли хилдаги ўқув дафтарлари, ҳисоб-китоб ишлари учун ҳужжат қоғозлари ва бошқа кўплаб полиграфия маҳсулотлари, ташкилотлар учун реклама-тарғибот жиҳозлари тайёрланмоқда.

СУРАТДА: Феруза Холмирзаева жамоа аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон АСРОРОВ олган сурат.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Янгиер туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Миллий мафкура — миллат келажаги пойдевори» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Шаҳрисабз туман кенгаши томонидан «Ёшлар — миллат келажаги» мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти Норин туман кенгаши ташаббуси билан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Термиз шаҳар кенгашида «Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан «Ватан оиладан бошланади» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Ғаллаорол туман кенгаши томонидан «Чевар қизлар даврасида» номли кўрик-танлов ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Жаннат оналар оёғи остида» номли давра суҳбати ўтказди.

* * *

Партиянинг Косонсой туман кенгашида «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Хотин-қизлар қаноти»нинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сирдарё вилояти Мирзаобод туман кенгаши «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» мавзуида учрашув ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Денов туман кенгаши ташаббуси билан «Азиз авлиёлар юртини эъзозлайлик» номли тадбир ташкил қилди.

* * *

Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши томонидан «Ўзбекистон адолатли жамият қуриш йўлида» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Миллий маънавиятимизнинг тикланиши қадриятларимизнинг қайтишидир» мавзуида тадбир ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Шукроналик

ИНСОН МЕҲРГА ТЎЙМАЙДИ

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши аввалги йилларнинг узвий давоми сифатида барча юртдошларимизнинг юрагидан жой олди. Бу йилда ҳам замондошларимиз қалбида олижаноб инсоний қадриятлар — меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, мурувватпешалик ва саховатлилик янада жўш уришига имонимиз комил. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, меҳр-мурувват деган ибора замирида жамиятимиздаги аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитинӣ мустаҳкамлаш, ногиронлар, етим-есирларга, кексаларга, ёрдамга эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, моддий ва маънавий кўмак бериш назарда тутилади.

Дарвоқе, инсон бир нарсани чин дилдан истаса, эътиқод қилса, уни амалга ошириши осон ва хайрли кечади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқ жоиз. Одам ҳамма насрага тўйиши мумкин, лекин меҳрга тўймайди. Ҳаммамиз ҳам бир оғиз ширин сўз, бир чимдимгина меҳрга ҳар дақиқада илҳақ яшаймиз.

Инсоният яралганидан буён ўзига суянчу мадор бўладиган тамойилларни, одамийлик мезонларини улуғлаб келади. Бунинг замирида меҳр-оқибат тушунчаларини келажак авлод шуурига сингдиришдек масъулият ҳам ётади. Юртимизда ҳар бир йилнинг ўзига хос номлар билан аталаётгани ва шу асосда хайрли ишларнинг амалга ошира борилаётганида ҳам, инсонлар қалбида, айниқса, ёш авлод юрагида эзгу туйғуларни шакллантиришдек жуда катта ва хайрли мақсад ётади. Ишончимиз комилки, Ижтимоий ҳимоя йили ҳам ўтган йиллардагидек файзли ва фаровон бўлажак.

Туйғун ХОЛМАТОВ.

Партия ҳаёти

ДАВРА СУҲБАТИ

Интернет энг илғор ахборот технологияларидан бири ҳисобланади. Сиёсий партиялар фаолияти такомиллашиб боришида ҳам интернетнинг ўрни алоҳида бўлаётир. Сиёсий партияларнинг матбуот хизмати интернетдан фойдаланиш борасида ўз тажрибаларини илғор халқаро андозалар даражасига олиб чиқиш мақсадида ҳаракат олиб бораётир. Кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сиёсий партиялар ва интернет» мавзусида давра суҳбати бошланди. Анжуман Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Германиянинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Конрад Аденауэр фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда партияларнинг матбуот хизмати вакиллари, интернет тармоғи бўйича мутахассислар, экспертлар, қатор олий ўқув юртларининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаётган профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишаётир.

Бугун давра суҳбати ўз ишини давом эттиради.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

Ўзбек феъли

«ЙЎҚТУРУР ИНСОНДИН АЗИЗ...»

Юнон донишманди Арасту кўп асрлар аввал "Ахлоқи кабир" асарини ёзиб, унда жумлаи жаҳонга шундай деди: "Яхши бўлмоқ ҳам, ёмон бўлмоқ ҳам ўз ихтиёримиздадур, тағинким мукаммал яхшилик билан яшаш бахту саодат томон элтади!" Ўзгалар бахтини деб куюнган одамнинг ўзи чинакам бахтлидир, деган мазмун бор бу ҳикмат замирида. Орамизда бундайлар озми? Нон-насибасининг тенг ярмини аҳволи ночорроқ кишиларга илиниб яшаётганлар, ўз оиласи ташвишларидан ортиб, боқувчисиз қолган хонадонларга кўмак бераётганлар қанча-қанча! Орттирган маблағини ёш авлод келажаги учун сарфлаётганлар ҳам кўп юртимизда. Шундай инсонлар борлиги туфайли жамиятимиз шитоб билан илгарига силжимоқда, мустақил давлатимиз равнақ топаётир. Бир яхшилиги ўн ҳисса бўлиб ўзига қайтаётган халқимиз бойиб, дастурхонига қут-барака кираётгани ҳам рост. Демакки, эл ичида эъзоз топган ҳар киши борки, унинг ўзи аввало одамлар тақдирига, жамият келажагига бепарво эмас. Нодирабегимнинг гўзал мисраларида айтилганидек:

Келди ашраф барча олам аҳлидин,
Йўқтурур дунёда инсондин азиз...

Инсоннинг азизлиги, қадру қиммати, бир-бирига меҳр ва оқибати хусусидаги ҳикояларимиз давом этади.

«ОДАМЛАР БИР-БИРИГА ДАЛДА БЎЛИШИ КЕРАК»

— Синглим, бу ёққа қаранг!

Салтанат бозорча ёнидаги кўчадан уйига бурилаётиб, нотаниш овоз келган томонга аланглади. Сал нарироқда кекса бир аёл уни ёнига имлади.

— Сизни йўлдан қолдираётганимга ҳайрон бўлаяпсиз-а? Ҳалиги... Шеригимнинг бир банка қаймоғи қолганди, шуни олинг, жон болам. Сиз айтган нархга беради, майлими?

Салтанат бу "илтифот"-дан ажабланиб сўради:

— Қани, шеригингиз?

Кекса аёл баланд овозда: "Хосиятхон, қаердасиз?" — деб чақирди. Сўнг секингина: "Ҳозир келади, бирпас кутинг", — деди. Салтанат уйига шошиб тургани учунми, негадир асабийлашди.

— Холажон, мен қаймоқ олмоқчи эмасдим, бирор харидор топилиб қолар.

— Йўқ, йўқ, ундай қилманг, кун кеч бўлиб қолди. Яна эшикма-эшик кириб юрадими у. Ўзи яқинда... бошига иш тушган. Уч ой аввал отаси, сўнг онасидан жудо бўлди, бояқиш. Эри ҳам яримжон. Ташвиши кўпайиб, рангу рўйи ўчди, аҳволи ёмонлашди. Қўшни эмасманми, ичим ачишди. "Мен кунига сут сотаман, шаҳарга тушганимда бирга юринг, сал чалғийсиз", — дедим. Маҳалладаги уйлардан қаймоқ йиғиб сумкасини тўлдириб бердим. Иккимиз биргаликда шу ёққа қатнаяпмиз. Ҳарна беш-ўн сўм оиласига мадад. Мен эрталаб сутни бирпасда сотиб бўламан, у қаймоқларни кўтариб, ҳали у ҳовлига,

(Давоми 2-бетда).

ЖАМИЯТ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯ:

ИСЛОҲОТНИНГ ДАВОМЛИ ЙЎЛИ

Марказий кенгаш пленумида шу ҳақда сўз борди.

2006 йилнинг ноябрь ойида Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир унутилмас воқеа юз берди: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритди. Орада ўтган вақт мобайнида мазкур икки қонун лойиҳаси нафақат мамлакатимизда, балки кўпгина хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди, ушбу мавзу қизғин муҳокамаларга, фикр алмашишларга сабаб бўлди. Ўзбекистон "Миллий тиклaниш" демократик партияси Марказий кенгашининг бўлиб ўтган пленуми ҳам шу мавзуга бағишланди.

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар икки қонун лойиҳалари партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, шунингдек, туман ва шаҳар кенгашлари, йирик бошланғич ташкилотлари томонидан қизғин муҳокама қилинди, қонун лойиҳалари республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жамиятда жамоат назоратига янада кенг йўл очилишида, айниқса, сиёсий партиялар мавқеининг ортишида жиддий янгилик бўлгани алоҳида таъкидланди. Муҳокамаларда мустақил республикамизда яратилган сиёсий партиялар институтининг вужудга келиш, шакланиш ва тараққий топиш тизими ҳамда бу тизимнинг бош ижодкори ва ислоҳотчиси Президент Ислом Каримов эканлиги ҳақли равишда эътироф этилди.

Дарҳақиқат, мамлакат миқёсидаги ҳеч бир янгилик ўз-ўзидан юз бериб қолмайди, хусусан, жамиятимиз учун мутлақо янгилик бўлган, аҳолининг кенг қатлам вакиллари фаоллигида ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирокидагина амалга ошадиган ислоҳотларни пишиқпухта назарий ғоялар, ҳаётий йўл-йўриқларсиз бошлаб ҳам, изга солиб ҳам бўлмайди. Шу маънода сўз юритилаётган икки қонун лойиҳаси учун бундан 15-16 йил муқаддам замин яратила бошланган десак, сира муболаға бўлмайди.

1992 йил. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси чақирилган кунлар Ватанимиз мустақилликка эришганига ҳали бир йил ҳам тўлмаган эди. Президент Ислом Каримов сессия минбаридан қилган маърузасида истиқлол йўлини белгилаб берар экан, адолатли жамият ўрнатишнинг зарур шартларидан бири сифатида сиёсий партияларнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради. "Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол, — дея эътироф этади Юртбошимиз. — Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради". Бироқ сиёсий партияларнинг вужудга келиши, жамият манфаати йўлида фаол фаолиятга киришиши ҳам ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаслигини ўша кезлардаги ҳаёт жуда яққол кўрсатди. Чунки маърузада айтилганидек, "Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар ҳақиқий демократия шароитида яшаб кўрмаган". Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари: "Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади", — дея қатъият билдирди ва кўппартиявийликни амалда шакллантиришни чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби эканлигини уқтириб ўтди.

1994 йил. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловларда бу қатъият ўз исботини топди, яъни Ўзбекистон тарихида биринчи марта қонун чиқарувчи олий орган кўппартиявийлик асосида сайланди!

1995 йил. Февраль ойида бўлиб ўтган биринчи сессияда давлатимиз раҳбари демократик жамият қуришнинг шарқона услуби тўғрисидаги бир қатор концептуал қарашларини баён этди. Чунончи: "...Шаркда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. ...ҳар қандай ислоҳот ҳам, аввало, инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибаларига ва янги жамиятнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим. ...Жамиятни демократиялаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир. ...Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб,

(Давоми 2-бетда).

Кўргазма

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" номли кўргазма очилди. Кўргазма экспозициясидан 30 дан ортиқ миллат вакилларининг асарлари ўрин олган. Унда рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин миллатлараро муносабатлар ривожида янги давр бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган ўзбек миллий моделида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шу заминда яшаётган барча халқлар вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар вакилларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун барча шароитлар яратилди.

Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши мамлакатимиз раҳбариятининг миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги нишонасидир. Ҳозирги пайтда Марказ юртимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатмоқда. Республика байналмилал маданият марказининг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг этномаданий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Миллий маданий марказлар ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондининг нодир асарлари билан бир қаторда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси томонидан тақдим этилган 70 дан ортиқ фотосуратлар Республика байналмилал маданият марказининг миллий-маданий фаолиятидаги энг ёрқин воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.

Азамат АҲМАД олган сурат.

ЖАМИЯТ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯ:

ИСЛОҲОТНИНГ ДАВОМЛИ ЙЎЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин".

Бундан ўн икки йил муқаддам айтилган ушбу башоратомуз йўл-йўриқлар нечоғли асосли ва тўғри эканлигини ҳаёт сабоқлари кўп-кўп марталаб кўрсатди.

Ўша йили чоп этилган "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" деб номланган асарида "Мақсадимиз — демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш"лигини яна бир карра таъкидлаган давлатимиз раҳбари "Бу бизнинг эзгу орзуимиз, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафкурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шунда" эканлигини алоҳида уқтиради.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг бунёд этилиши худди шу даврга тўғри келди! Бу ҳам бежиз эмас эди! Зеро, республикамизда демократик ислоҳотлар босқичма-босқич давом этаётган, ушбу сиёсий тўлқинда жамиятни эркинлаштириш масалаларига бўлган қарашлар, хусусан, демократиянинг ғарбона ва шарқона талқинлари баҳс-мунозаралар мавзусига айлана бораётган, шунга боғлиқ равишда Ўзбекистонда миллий қадриятлар ва азалий анъаналар замонавий демократия тамойиллари билан бемалол уйғунлашиб кета олишини шубҳа остига олишлар зўрайган бир паллада Ўзбекистонда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг таъсис топиши ҳар жиҳатдан ўринли ва беқиёс аҳамиятга эга воқеа эди!

1996 йил. "Биз энди беш йил олдинги одамлар эмасмиз" — муҳтарам Юртбошимизнинг август ойида бўлиб ўтган Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида айтган мазкур сўзлари замирида катта ҳақиқат ва катта баҳо мужассам эди! Гап одамларнинг, демак, тафаккур ва дунёқарашларнинг ўзгариши ҳақида бормоқда. Бу ўзгариш жараёнлари моҳиятида озмунча меҳнат, озмунча ҳаракат борлигини батафсил таърифлаш қийин, албатта. Чунончи, Президентимиз айтган, "...ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўппартиялиликни шакллантириш учун **жамиятимизнинг сиёсий тузумини мутлақо янгилаш асослари яратилди**", — деган сўзлари замирида сиёсий партияларни янада фаолроқ ҳаракатга ундаш маъноси ҳам бор эди. Демак, ўша даврга келиб, жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омилларидан бўлмиш хилма-хил сиёсий партиялар фаолиятининг кундалик ижтимоий-сиёсий воқеликка айланаётгани навбатдаги ютуқ, навбатдаги ғалаба эди!

1997 йил. Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деб номланган фундаментал асарида: "Маънавий тикланиш — фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир", — деган таъриф келади. Ушбу иқтибос ҳамда бундан аввалроқ яратилган "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" асарида тилга олинган ибора, яъни "миллий тикланиш" ва "маънавий тикланиш" иборалари ҳамоҳангликда бизнинг партия йўлини, йўналишини белгилаб берган дейиш мумкин. "Миллий тикланиш"чилар жинсидан, касб-коридан, эгаллаган мавқеидан қатъий назар янги авлодга мансуб ижодий зиёлилар табақаси вакилларини тарбиялаш, вояга етказиш ва уларни энг эзгу саъй-ҳаракатларини мустақиллик манфаатлари йўлига сафарбар этишдек улкан ва ғоятда муқаддас вазифани ўз зиммаларига олдилар.

Шу тариқа турли сиёсий партияларнинг босқичма-босқич тарзда жамият ҳаётидан кенг ўрин олиши ва кундалик турмушга илдиз отиши узлуксиз равишда давом этди. Хусусан, "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида муҳтарам Президентимиз фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни кечаётган республикамизда кўппартияли тизимнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайдилар. "Зеро, — деб ёзади Юртбошимиз ўша асарда, — сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди". Шу билан бир вақтда, "демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмаслиги" ҳам ёдга солинади. Муҳими — "сиёсий партиялар учун нормал сиёсий макон яратиб бериш" эдики, бу вазифа ҳам йил ва ой сайин амалга оша борди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар мавқеининг муттасил ошира борилишининг пировард оқибатида бошқа бир улуғ мақсад — фуқаролик жамиятини вужудга келтириш эди.

1998 йил. Юртбошимизнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида илгари сурған "кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтиши" концепцияси вақт-соати келиб мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилажагига очилган йўл эди.

1999 йил. Жамиятда кўппартиявийлик тизими ҳукм сурар экан, партиялар орасида ўзаро рақобат юзага келиши, бундай рақобат биринчи навбатда сайловчилар учун кураш борасида, айниқса, авж олиши табиий. Бу борада муваффақиятга эришиш учун нима қилмоқ керак? "Ҳар қандай партия, — деб жавоб беради Президент "Туркистон" газетаси муҳбири саволларига қайтарган жавобларида, — агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, аввалambор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, иноннган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор".

Бу гаплар қанчалар ҳақиқат эканлигини ҳар қайси партия фаоллари ўз тажрибасида бутун мураккаблиги билан ҳис қилаётгани сир эмас, назаримизда. Чунки сиёсий партия фаолиятини йўлга қўйишнинг энг мушкул жабҳаси ҳам — мумкин қадар кўпроқ, мумкин қадар садоқатлироқ, мумкин қадар салоҳиятлироқ аъзолар сонини кўпайтириш! Мана шундагина, Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузада тўғри таъкидланганидек, аниқ мақсад ва аниқ ҳаракат дастури бўлган сиёсий партиялар ҳокимият тизимларидан, ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашда ютуққа эришишлари мумкин.

2002 йил. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 8-сессияси танаффус пайтида маҳаллий ва хорижий мухбирларнинг саволларига жавоб бера туриб, ҳозирги пайтда сиёсий партиялар фаолиятига доир муҳим мулоҳазалар юритади. Жумладан, сиёсий партиялар ишини замонавий талаблар даражасига кўтаришни буйруқ билан амалга ошириб бўлмайди ёхуд "партияларни фаоллаштириш учун суньий йўл билан замин яратиш мумкин эмас", балки бунинг учун тараққий этган давлатлардаги партиялар тажрибаларидан ўрганиш зарур. Шу ўринда муҳтарам Юртбошимиз "Ўзбекистонда партияларнинг демократик талабларга жавоб берадиган давлатлардагига ўхшамаганлиги ёки шу даражага етиб бормаганлиги учун ҳайрон бўлиш керак эмас"-лигини, "Чунки бундай партиялар шаклланиши учун вақт керак, шароит керак"-лигини уқтиради. "Улар бир-бири билан тортишув ва баҳсга киришиб, келажак мақсадларимизга етишиш учун ҳар қайсиси ўзига хос, ўзига мос йўлларни исботлаб, таърифлаб бериши, ўз йўлини тарғиб қилиши учун шароит бўлиши зарур".

Шу йилнинг август ойида бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги тарихий аҳамият касб этган маърузанинг номланишидаги "демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш" сўзларининг ўзиёқ масаланинг нақадар кўндаланг қўйилганидан далолат эди. "Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, — дейди Президент маърузада, — бугун Ўзбекистонда ислоҳотлар муқаррар тус олди. Энди уларни ортга қайтариб бўлмайди". Мана шундай шароитда сиёсий партиялардан фаоллик, таъсирчанлик, серқамровлик хусусиятлари талаб этилаётган, афсуски, мавжуд партиялар фаолиятида бир қадар сусткашлик кузатилаётган, шу боис ҳам маърузада, "сиёсий партия ва ҳаракатлар... ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим"лиги танқидий руҳда таъкидлаб ўтилди.

2005 йил. 27 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида давлатимиз раҳбари жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни, аҳамияти, ривожланиш йўллари юзасидан батафсил, таҳлилий-танқидий руҳда нутқ сўзлади. Мазкур нутқ барча партияларнинг дастурламали сифатида қабул қилинди десак, зинҳор муболаға бўлмайди. Чунончи, "Мана, масалан, "Миллий тикланиш" партиясини оладиган бўлсак, унинг таъсири жойларда унча сезилмаяпти. Ушбу партия фаоллари буни тан олиб, бу ҳақда ҳар томонлама ўйлаб кўрса, фойдадан холи бўлмасди", — деган сўзлар ҳар бир сафдошимиз, маслакдошимизнинг ҳамон хотирасида. Дарҳақиқат, жойларда, дейлик, олис вилоят, туман ва шаҳарларда таъсири сезилмаган партия қандай қилиб оммалашади? Қандай қилиб рақобатбардош сиёсий кучга айланади?

Олий Мажлис қўмиталарининг кўшма мажлисида Президент сиёсий партиялар учун ривожланишнинг аниқ йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, "...сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш", бунинг учун эса "партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъий назар, шак-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга"лиги алоҳида уқтирилди.

2006 йил. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган икки Конституциявий қонун лойиҳаси Ватанимиз мустақиллигининг илк паллаларидан Республикамиз Президенти томонидан ниҳоятда пухта ишлаб чиқилган ва давом эттирилаётган кўп босқичли тараққиёт жараёни динамик тарзда ривожланиб келиб, ўзининг навбатдаги мантиқий кульминациясига кўтарилди. Ушбу икки қонун лойиҳасининг кучга кириши жамиятимизда фуқаролик бошқарувини қарор топтириш йўлидаги тарихий қадам бўлиб қолади.

2007 йил. Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган ялпи йиғилишида сўз юритилаётган икки Конституциявий қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Қонун лойиҳалари палата депутатлари, жумладан, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Инсон ҳаётида тараққиётнинг, демак, ислоҳотнинг ҳам чек-чегараси йўқ, лекин соғлом мантиқ кўзи билан қаралса, республикамизда сиёсий партияларнинг ҳозирги мавқега кўтарилиши узоқ давом этаётган, лекин аниқ ва узлуксиз равишда такомиллашиб бораётган зукко сиёсатнинг маҳсули эканлиги яққол кўринади, бу сиёсатнинг меъмори ва муаллифи Республикамиз Президенти Ислом Каримов эканлиги эса ислоҳот натижаларига бўлган ишончни янада орттиради.

Биз мақолада Ватанимиз мустақиллиги йилларида сиёсий партиялар соҳасидаги босқичма-босқич ривожланиш, тикланиш ва юксалиш йўлини тўла қамраб ололганимиз йўқ, албатта, балки унинг энг муҳим жиҳатларига мухтасар тўхталдик, холос. Зеро, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятининг асосий, керак бўлса, ҳал қилувчи институтларидан бири ҳисобланмиш сиёсий партиялар салоҳият, мавқе, оммабоплик борасида яна ва яна ривожлана, янгилана ва тараққий эта бориш жараёнлари ҳали кўп-кўп мақолалар, тадқиқотларга мавзу бўлиши муқаррар.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси.

«ЙЎҚТУРУР ИНСОНДИН АЗИЗ...»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ҳали бу ҳовлига кираверади. Гоҳида бирга юриб, савдосини тезлатаман. Чарчаб қолсам, шу ерда кутиб ўтираман. Уни ташлаб кетолмайман. Айниқса, шунақа оғир пайтда... Ҳар ким бир-бировига далда бўлиши керак, болам!

Бир пайт ёшгина аёл шоша-пиша улар томонга кела бошлади. Қўлидаги банкада қаймоқ. Салтанат тезгина сумкасини кавлаб пул чиқарди. Уни санаб ҳам ўтирмай Ховиятхонга узатди. Икки аёл унга раҳмат айтганча автобус бекати томон кетишди. Салтанат ғалати кайфиятда қараб тураркан, беихтиёр кекса холанинг ҳозиргина айтган гапларини эслади. "Одамлар бир-бирига далда бўлиши керак!"

МЕҲРНИНГ ЙЎЛИ УЗУН

Ховлидаги стол устига қўйилган телефон бир неча марта жиринглади. Ошхонада чучвара тугаётган Соҳиба қўлини сочиққа артди-да, бориб гўшакни кўтарди.

— Нодира опам ишга кетганлар. Кимсиз? Келсалар нима деб қўяй?

— Мен укаларимман, кеча ойимнинг қон босими кўтарилиб кетди, касалхонага ётқиздик. Шуни хабар қилай девдим.

— Хўп, айтаман. Тўхтанг, шифохона манзилини ёзиб олай.

Соҳиба гўшакни қўйгач, ўйланиб қолди. Нодирахон унинг катта овсини, фирмада ҳисобчи. Ўтган йили ўғилчаси касал бўлиб, тўсатдан нобуд бўлганидан бери юраги хаста. Яқинда йигирма кунча дори-дармон қилиб уйда даволанди. Икки кун бўлди, ишга чиққанига. Энди эса бу хабар... "Агар онаси қаттиқ оғриб қолганини эшитса, яна юраги безовта қилиб, олган муолажалари бекор бўлади-ку! Нима қилсам экан-а?" — дея ўйларди Соҳиба. Сўнг бир қарорга келгандек тезгина ишга уннади. Тугилган чучвараларнинг озроғини сувда пиширди, сирли идишга солди, совуб қолмасин деб дастурхонга ўради. Кейин касалхонага отланди.

— Дўхтирлар дарров уколларни бошлаб юборишди, тез-тез ахволимдан хабар олиб туришибди, анча тузукман, — деди Хусния ая.

Сўнгра қизини сўради.

— Нодира опам ишдан кечроқ қайтаман, деб айтувдилар. Сиз ҳақда у кишига айтмадим. Тағин юраклари безовта қилади, деб чўчидим...

Хусния аянинг меҳри товланди. Кўзларига ёш қалқиб, кўлларини дуога очди. "Илоё, кам бўлманг", — деб пичирлади.

Соҳиба касалхонадан чиқаркан, ўзини қушдек енгил сезди.

ЯХШИЛАРДАН БИРИ

Бекатда совуқдан қунишибгина турган кекса аёлнинг ёнига оппоқ "Нексия" келиб тўхтади.

— Онахон, ўтиринг, манзилингизга обориб қўяман, — деди машина эгаси эшикни очаркан.

— Йўғ-е, болам... Йўлим олис. Бирпас кутай, туманга борадиган автобус келиб қолар.

Йигит қиш чилласи бўлишига қарамай, юпунгина кийинган бу аёлнинг нимадандир хижолат тортаётганини сезди. Ич-ичидан қаттиқ таъсирланди.

— Ўтираколинг, машинага. Қоронғи тушиб қолди, ахир. Ҳадемай изғирин кучаяди.

Кекса аёл тугунини қўлига олиб орқа ўриндиққа чўкди. Ичкари иссиққина, кичкина радиодан майин куй тараларди. Бугун кун бўйи идорама-идора югурган, бунинг устига бекатда кўп туриб қолиб совуқ қотган аёл энди ўзига келди, аста кўзларини юмди.

Ярим соатдан кўпроқ йўл юришгач, машина бир ҳовли ёнида тўхтади. Аёл сумкасини кавлай бошлади.

— Онахон, пулингизни олмайман, уйга қайтаколай.

— Рост айтаяпсанми, ўғлим? Ахир шунча йўлга олиб келиб...

— Мени дуо қилсангиз бас, яхши қолинг!

Аёл: «Ие, қизиқ бўлдику!" — дегандек машина ортидан таажжуб билан тикилиб қолди.

Йигит эса шу бугун бир аёлнинг узоғини яқин қилганидан хурсанд, ажиб хушкайфият билан уйига қайтаркан, онахоннинг: "Рост айтаяпсанми?" — деган гапи ҳеч хаёлидан кетмасди.

"ХАЙРИЯТ, ЯРАШИШДИ..."

Улар иккови ҳам ишга шошаётганди.

— Шаҳноза, чойни ҳалиям дамламабсан-ку, — жаҳлланди эркак.

Тошойна ёнида пардоз қилаётган аёл: "Ҳозир", — деди-ю, бироқ келавермади. Бу эркакка оғир botди. Овозини бир парда баланд кўтарди:

— Бўлақол, тезроқ! Кечикяпман!

Аёл шарт ўрнидан туриб келди-ю: "Шошган пайтда ўзингиз дамлаб олсангиз ҳам бўлади-ку", — деди. Эркакнинг ғазаби келди. Нонушта ҳам қилмасдан ишга жўнади.

Бор гап шу. Мана, уч ҳафта ўтди ҳамки, ҳалигача гаплашишмайди. Ижара уй эгаси — Фазилат ая бунга ҳайрон. "Тавба, бу нимаси? Ахир уч кундан ортиқ аразлашмоқ гуноҳ. Қойийдиган ота-оналари узоқда... Кел, ўшалар қилмаган ишни мен бажарай!" Шу куни Собиржонни ишга кузатаётган бўлиб, ортидан эрғашиб чиқди.

— Айланай болам, келиним бояқиш қанча кундан бери сиздан узр сўрайман деб тараддудланади.

— Ростданми?

— Ҳа, сиз қовоғингизни очмаганингиздан кейин чўчияпти-да.

Сўнгра ая Шаҳнозахоннинг ёнига кирди.

— Қизим, куёвим бечора қандай қилиб узр сўрашни билмай юрибди, ҳозиргина менга шу ҳақда маслаҳат солди.

— Йўғ-е?

— Ҳа, сиз бугун битта ош дамланг. Эрингизни очиқ чеҳра билан кутиб олинг, хўпми?

Кечқурун Собиржон бир даста гулни кўтариб дарвозадан кирганида Шаҳноза супада ошга шакароб тайёрлаётганди. У ўрнидан даст туриб, эрига пешвоз юрди.

— Шаҳноз, мен ўша куни...

— Йўқ, узр сўраманг. Мендан хатолик ўтди!

Уй ичида бу ҳолатни кузатиб турган Фазилат ая "хайрият" деб пичирлади.

ЙИҚИЛГАННИ СУЯЙЛИК

Маҳалладаги эркаклар даврасида суҳбат тобора қизир, ҳаммаси яна ўша воқеани сўзлашишарди.

— Қаранг, шундоқ одам маст ҳолда йўлакда думалаб ётса-я?!

— Ўтган куниям шундай бўлувди. Икки ўғли қўлтиғидан кўтариб уйга аранг олиб киришди.

— Зиёли бўла туриб бошқаларга ўрнак кўрсатганими, бу?!

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Козимжон бу гапларга чидолмай ўрнидан туриб кетди.

— Мени кечиринглару юрагимдагини ҳозир айтмасам бўлмайди, — деди у қизишиб. — Биласизлар, Рихситилла аканинг қўшнисиман. Аҳволи менга маълум. Шу йил бу одам хонадони учун жуда оғир келди. Нораста ўғли мактабда йиқилиб, тўшакка михланиб қолди. Аёли хаста эди, оламдан ўтди. Электрдан ўт чиқиб, уйининг бир қисми ёнди. Барчасига чидаб юрувди... Яқинда идорада иши орқага кетди. Шунисига тоқат қилолмади, ўшандан бери ичади. Айтинг, қай биримиз у кишига тасалли бердик? "Бу ташвишлар ўтиб кетар, ўзингизни қўлга олинг!" — деган гапни ҳеч биримиз айтдикми? Дўст бўлиб ёнида турганимизда ҳозиргидек аҳволга тушмасмиди... Биз бўлсак, йиқилганни суяш ўрнига бу-ерда ўтириб унинг ғийбатини қилаяпмиз? Ахир бунга виждонимиз қандай йўл...

Муаллим ортиқ гапиролмади. Ўрнидан туриб, даврани тарк этди. Ўтирганлар жимиб қолди. Очиғи, Козимжоннинг гаплари худди нишонга теккан ўқдек барчани бирдай ҳушёр торттирганди, ҳозир. Сўнг улар секин-аста ўринларидан қўзғолишди. Йўл-йўлакай нималарнидир маслаҳатлашишди. Кейин эса муаллимнинг қўшниси яшайдиган уй томон бурилдилар.

БУ — ИНСОНИЙ ҚАРЗ ЭДИ

Икки аёл автобусда кетаётиб берилиб суҳбат қуришарди. Ёнидаги уни маъқуллар, "Ҳа, орамизда бундайлар кўп", — дерди. Сўнг улардан бири қандайдир воқеани сўзлай бошлади. Унинг гапларига беихтиёр қулоқ тутдим.

— Ўшанда касалхонада даволанаётгандим. Дўхтир кириб: "Сиз соғайиб қолдингиз, эртага уйингизга кетишга рухсат берамиз", — деди.

Қувонганимдан шу куни уйқум қочди. Йўлакка чиқиб айланиб юрдим. Шунда касалхона эшиги рўпарасига машина келиб тўхтади. Ва ундан шошиб бир йигит тушди.

— Опа, навбатчи врач хонасини кўрсатиб юборинг, тезроқ!

—Мана шу йўлак охирига боринг, — дедим шошапиша.

У дарров дўхтирни бошлаб чиқди. Шунда кўзим тушди, машинанинг орқа ўриндиғида ўн уч ёшлар чамасидаги бир бола инқиллаб ётарди. Бемор болани ичкарига киритишди. Ҳамманинг шошиб қолганидан боланинг аҳволи оғир эканини пайқадим. Орадан алқанча вақт ўтди. Йигит жарроҳлик хонаси атрофида айланиб юрар, қайси дўхтир чиқса, "Қон керак бўлса, мендан олинглар!" — дея ялинарди. Бир пайт дўхтир келиб: "Бемор ўзига келди, ҳамширамиз шу боланинг маҳалласида яшаркан, уйидагиларга хабар қилди", — деди. Уларнинг суҳбатидан билдимки, боланинг кўричаги ёрилиб кетишга икки-уч дақиқа қолган экан! Шунда ўша йигит соатига қаради-ю, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан машинасини ҳайдаб жўнаб қолди. Эртасига эшитдик, беморнинг ота-онаси ўғилларининг ҳаётини сақлаб қолган йигитни роса қидиришибди, лекин дўхтирлар бу йигитнинг исм-шарифи, манзилини айтишолмабди. Бир куни денг, уйимиз ёнидаги дўконда ўша йигитни кўриб қолдим, дарров танидим. Унга ўша воқеани эслатдим. "Сиздек меҳрибон киши учраб, боланинг ҳаёти сақлаб қолинди, беморнинг айтишича, сиз уни кўча четида икки букилиб, инграб ётганида дарров машинага солиб касалхонага олиб борибсиз-а?" — дедим. Йигит елка қисиб, деди:

— Нима бўпти, бу шунчаки инсонийлик қарзи. Мендан бошқа бўлганидаям шундай қиларди!

МУРУВВАТЛИ ОДАМ

(ҳамкасбим ҳикояси)

Талабалик чоғларимда қишлоққа қайтаётиб автобусларга ҳеч билет тополмадим. Сўнг "бир амаллаб кетарман", деб поездга чиқиб олдим. Одам шунақа кўп эканки, умумий вагоннинг бир четига аранг жойлашдим. Атрофимдаги йигитлар нуқул чекишади, тутундан кўнглим айнаб, бошимга оғриқ кирди.

Шунда бир киши: "Қизим, бу ёққа келинг-чи", — деб мени чақирди. Бордим.

— Қўшни купеда бўш жой бор экан, мен ўша ёққа чиқиб ухлайман, сиз шу хонада баҳузур дам олаверинг, — дея чиқиб кетди.

Мен аввалига ҳайрон бўлдим. Сўнг чарчаганимдан ухлаб қолибман. Аммо...

Эрталаб эшитдим. Ўша киши мени хонасига киритиб, кейин ўзи умумий вагондаги менинг жойимда ўтириб чиққан экан!

Меҳрнинг, муруввatнинг ўлчови йўқ, баҳоси баланд, ҳарорати кўнгилларни иситади. Ҳар биримиз меҳрга муҳтожмиз, шу туйғуни соғиниб яшаймиз. Бир-биримизга бўлган меҳру муҳаббатимиз, саховату садоқатимиз билан тирикмиз. Дунёни суяб турувчи ҳам аслида меҳрнинг ўзидир.

Яшамоқликдан мақсад эса битта — ўзгалар юкини елкалашиб, ён-атрофимиздагиларнинг бахтли бўлишларига кўмаклашиш! Зеро, "Ўзгалар бахти учун курашиб, ўз бахтимизни ҳам топамиз", — деган эканлар Фаробий ҳазратлари. Инчунун, Тангри таоло инсонни ҳамма мавжудотлардан улуғ ва азиз қилиб яратган. Шундай экан, бир-биримизни аяб, тушуниб, қадрлаб яшашга не етсин.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида математика ва физика фанлари бўйича III халқаро Жаутиков олимпиадаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларда математика, физика фанларига нисбатан қизиқиш уйғотиш, қардош давлатларда фаолият кўрсатаётган физика-математикага ихтисослаштирилган мактаблар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва тажриба алмашишни таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Унда жорий йилнинг июль ойида бўлиб ўтадиган халқаро математика ва физика олимпиадаларига тайёргарликни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Олимпиадада Россия, Белорус, Украина, Арманистон, Руминия, Болгария, Индонезия, Туркия, Озарбойжон, Нигерия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Монголия, Грузия давлатларининг физика ва математика фанига ихтисослаштирилган мактаблари ўқувчиларидан иборат жами 40 та жамоа иштирок этди. Эътиборли томони шундаки, юртимиз ўқувчиларининг аввалги халқаро олимпиадаларда эришган юқори натижалари ҳисобга олинган ҳолда ушбу олимпиадага республикамиздан иккита жамоа таклиф қилинди. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги 1-мактаб-интернатидан ва «Иқтидор — 2006» ҳамда ўтган йилнинг ноябр ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган олимпиада натижаларига кўра танлаб олинган истеъдодли ўқувчилар ушбу нуфузли танловда иштирок этишди. Мактаб-интернет ўқувчиси Ўткир Болтаев математика фанидан муваффақиятли натижаларга эришиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, олимпиадада физика ва математикага ихтисослаштирилган мактаблар расмий рейтинги натижаларига кўра, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернати 4-ўринни эгаллади ва Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Шерзод АҲМАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати ходими.

Тошкент вилояти Бўка туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказидан ҳозирда 570 нафар китобхон фойдаланмоқда. Кутубхонада 6500 га яқин китоб бор. Ўқув адабиётларидан ташқари бадиий асарлар ҳам қўлмақўл бўлиб ўқилмоқда.

СУРАТДА: коллеж талабалари Адолат Шукруллаева ҳамда Дилобар Абдуҳамидова.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

«ДАВР»: ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Юртбошимизнинг таклифи билан ҳар бир йилнинг бош шиорини белгилаб олиш анъанага айланди. 2007 йилнинг бош шиори замирида ҳам халқимизнинг келажаги билан боғлиқ режалар мужассам экани қувонарлидир. Ҳар йили қабул қилинаётган давлат дастурлари ва ана шу асосда вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликларида тузилаётган дастурлар ижроси мамлакатимиз тараққиётининг янада юксалишида ўзига хос ўрин тутаётгани айни ҳақиқатдир.

Ижтимоий ҳимоя йилини ҳам хайрли ишлар билан бошлаётганлар кўплигидан қувонасан киши. Шоир айтганидек, келажак пойдеворига бир ғишт қўйиш ҳам шараф. Шундай бўлгач, ушбу йилда халқига, юртига имкон қадар қайишган ҳар бир корхона эътирофга муносибдир.

— «Давр» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли Пастдарғом ғишт заводи жамоаси бир қатор хайрли ишларга бош қўшмоқда, — дейди Раббимбой Содиқов. — Савоб ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Энг яхши савоб марҳумларни хотирлашдир. Маҳалламиздаги қабристонда ота-оналаримиз, кўп улуғ инсонларнинг руҳи поклари қўним топган. Ана шу азиз жойда ҳамда маҳаллада ободончилик ишларини йўлга қўйиш учун корхона жамоаси 3 миллион сўмлик моддий кўмак берди. Масжид қурилишига 500 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Самарқанд шаҳрида тиш даволаш офиси қуриб, фойдаланишга топширди. Ғишт заводида узоқ йиллар ишлаганман. Истиқлол йилларида мулк шакли, ишга, ишчига муносабат ўзгарди. Шу сабаб, савоб ва мурувват эшиклари очилди, деб ўйлайман. Жамоамизнинг ҳозирги фаолиятидан кўнглим тўлади.

— Тўғри айтасиз, — дейди ҳамкасбининг фикрига қўшилиб Сори Нуримов. — Заводни 2002 йилда «Давр» фирмаси кимошди савдоси орқали сотиб олди-ю, аҳвол ўзгарди. Ўша йили 1 миллион 600 минг дона ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 2 миллион 500 минг донани ташкил қилди. Жорий йилда кутилаётган натижалар ҳам янада қувончли бўлиши табиий. Ўз иш тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, агар табиий газ ва электр қуввати таъминотида узилишлар бўлмаса, ишлаб чиқаришни, маҳсулот сифатини кескин юксалтириш имкониятлари мавжуд.

Дарҳақиқат, жамоа эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, катта иштиёқ билан ишлашга интилмоқда. Шу мақсадни кўзлаб 3,5 км. газ қувури тортиб келинди. Корхона қайта таъмирланди. Ишчиларга ҳар куни сут, қатиқ, икки маҳал иссиқ овқат бепул берилмоқда. Тўй-маърака қиладиганларга 80-100 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилади. Бунда ёрдамчи хўжалик — чорвачилик фермасининг мавжудлиги қўл келаётир, албатта.

Бир нечта ғишт заводлари банкрот ҳолатига тушиб қолган бир пайтда бу корхонада замон билан ҳамнафас қадам ташланди. Суҳбатимиз якунида фирма раҳбари Шуҳрат Нормўминов шундай деди:

— Жамоамиз мустақиллик йилларида ишни яхши йўлга қўйишга эришди. Имкониятлар кенгайгани боис самара ҳам салмоқли бўлди. Бу борада тажрибали қурувчи, Самарқанд қурилиш материаллари комбинати раҳбари Абдували Салимовнинг маслаҳатлари ҳам қўл келаётганини айтиб ўтишни ўринли деб биламан. Энг муҳими, ишчиларимиз заводнинг эртанги кунига ишонч билан қарашаётир. Иш унуми ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Эътироф

НАВОИЙ ФРАНЦУЗ ҚОМУСИДА



Париждаги Миллий кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлими кўплаб нодир асарларга бой. Константинополлик турк олими Мустафо ҳожи Котибзоданинг араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалардан иборат кутубхонаси тўлалигича Париж қироллик кутубхонасига келтирилгач, Миллий кутубхонанинг китоб жамғармаси янада кенгайди. Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий каби ўртаосиёлик тарихчиларнинг қатор китоблари ушбу фондга қўшилди.

Бундай ноёб адабиётлар «Шарқ кутубхонаси» қомусининг яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Зеро, Шарқ халқлари тарихи, илм-фани, маданияти ва адабиётига доир материаллар ҳам ушбу қомусий нашрда ёритилди. Француз шарқшуноси Бартолемье д' Ербало де Моленвиль ушбу китобни ёзишга киришар экан ушбу маълумотларга асосланиб иш кўрди.

Қомус ёзиб тугатиладию, аммо уни нашр этишга Д'Ербало улгурмайди. У 1695 йилда вафот этади. Қўлёзма 1697 йили унинг сафдоши — олим ва таржимон Антуин Галлан томонидан чоп этилади. Китобнинг сўзбошисида Д'Ербалонинг ҳаёти, қомуснинг ёзилиши тарихи ҳамда тузилиши хусусида кенг маълумот берилган. Фойдаланилган манбалар орасида Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Қозизода Румий, Фирдавсий, Низомий ва бошқаларнинг номлари ҳам келтирилган.

Қомус саҳифаларида Самарқанд, Бухоро шаҳарлари таърифи ҳам келтирилган. Ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоийга бағишланган мақола ҳам эътиборни ўзига тортади. Унда Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида сўз юритилади. Масалан, «Алишер» сўзининг луғавий маъноси қуйидагича талқин қилинади: «Алишерни Мир Алишер Навоий деб аташади. Бу ном «Али» ва «Шер» сўзларининг бирлашмасидан иборатдир. Алишер Хуросонда вазир бўлиб жуда катта обрў-эътибор қозонди. У йирик олим ва ширинсухан шахс бўлган. Ҳирот шаҳрида ўзининг бой кутубхонасини яратган, унга шогирди тарихчи Хондамирни бошлиқ қилиб қўйган». 661-саҳифадаги «Навоий» сўзи тагида эса улуғ ўзбек шоири ва мутафаккирининг асарларига қисқагина таъриф берилади: «Навоий Низомиддин Мир Алишернинг тахаллуси бўлиб, Темурийлар сулоласидан бўлган шоҳ Султон Ҳусайннинг вазири эди. Навоий ҳам туркийда, ҳам форсийда ажойиб асарлар ёзган. Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» ва «Сабъаи сайёр» достонлари бор. Бундан ташқари, у яна тўртта девон ёзиб қолдирган. Улар «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавоид ул-кибар» деб номланиб, кенг китобхонларга аталгандир».

Тўғри, Навоий ҳаёти ва ижоди бу қомусда жуда қисқа ёритилган. «Хамса»нинг биринчи китоби «Ҳайрат ул-аброр» тушириб қолдирилган. Достонларнинг жойлашиш тартиби ҳам нотўғри ёзилган. Девонларнинг таржимаси ҳам аслига монанд эмас. Шундай бўлса-да, ўша даврда француз жамоатчилигининг ушбу мақола орқали Навоий ҳаёти ва ижоди билан илк бор танишганини ҳисобга олсак, бу илмий маълумотнинг қанчалик аҳамиятга молик бўлгани ўз-ўзидан равшандир.

Акбар АЛИЕВ.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан



МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Қадимий ва гўзал Самарқанд ҳақида кўп асарлар ёзилган. Аммо уларнинг аксари бизгача тўла етиб келмаган. Айримларигина сақланиб қолган, холос. «Самария» деб номланган китоб ана шундай нашрлардан бири ҳисобланади. Бу тарихий асарни олим ва шоир Абу Тоҳирхожа (Наво) 1844-48 йилларда ёзиб тугатган.

Илмий жамоатчилик эътиборини қозонган бу китоб шарқшунос олим В. Вяткин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1898 йилда Самарқандда чоп этилган. 1904 йили эса профессор Н. Веселовский Петербургда «Самария»нинг қўлёзма нусхалари асосида форс-тожикча танқидий матнини нашр эттиради.

Ўн бир бобдан иборат «Самария» китобини 1921 йили ёш истеъдодли ёзувчи ва ўлкашунос Абдулмўмин Сатторий форс-тожикчадан ўзбек тилига ағдарди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, бу таржима 1925 йили атоқли ёзувчи Садриддин Айний томонидан таҳрир қилинган. Аммо нима сабабдандир босилмай қолган. Ҳозир бу асар Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Ушбу илмий тадқиқот муассасасининг бир гуруҳ олимлари асарни қайтадан нашрга тайёрлашди. «Самария»нинг С. Айний ёзган сўзбошисидан айрим ўринларни келтиришни лозим топдик. «Самария» муаллифи Абу Тоҳирхожа йўқолаёзган эски асарларни ва қабртошларини текшириб, суриштириб ушбу китобни ёзган. Агар у шунча заҳмат чекмаган бўлса эди, ҳозир бизда кўп маълумот етишмас эди. Демак, муаллиф биз учун жуда қимматли бир ёдгорлик қолдирган экан. Мана шундай бир китоб, албатта, муҳим бўлса керак», — деб ёзади академик ёзувчи С.Айний.

«Самария» китоби Самарқанд шаҳрининг бино қилиниши, Самарқанд деб аталишининг сабаби, ҳавосининг хосияти, ернинг тузилиши, тоғлари, ғорлари, булоқлари, масжид ва мадрасалари, қабр ва мозорлари аломатларини белгилаш ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу китоб орқали Самарқанд шаҳрининг «Самарқанд» деб аталишининг бир неча сабабларини ҳам билиб олишимиз мумкин. Чунончи, нақл қилинишича, Самар исмли бир киши бу ерда жойлашган ва ўз теварагига халқни тўплаган эди. Шунинг учун бу ер бошда «Самаркент» аталади. Араб қўшини бу ерни олгач, ўз тилларига мослаштириб «Самарқанд» деб аташган.

Жаҳонга машҳур бўлган кўҳна Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига катта тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда унинг тарихини ўрганишда «Самария» китоби муҳим манба бўлиб хизмат қилиши турган гап.

А. АЛИЕВ.

Ватан ҳимоячилари ҳаётидан

КЎЗЛАРИДА ЮРТ МЕҲРИ

Касбу корнинг тури кўп, ҳар бирининг завқи-ю машаққатлари ҳам ўзига хос. Ҳар бир инсоннинг болалик пайтиданоқ катта бўлгач ким бўлиш, қайси касбни эгаллаш ҳақида орзулари бўлади. У улғайган сари шаклланиб боради ва бир бутун мақсадга айланади. Унга эришиш учун эса чин дилдан, қийинчиликлардан чўчимай ҳаракат қилмоқлик лозим бўлади.

Болаларга «Катта бўлсанг ким бўласан?» — деб савол берсангиз, аксарияти ҳарбий бўламан, деб жавоб беради. Лекин кўпчиликнинг ҳарбий бўлиш ҳақидаги орзулари орзулигича қолиб кетади. Чунки ҳарбий бўлиш, ҳарбий либос кийиб юришнинг ортида қанчалар машаққат, катта масъулият борлигини фақат шу касбнинг оғирликларини кўрганларгина билишади. Яна айтиш керакки, ёшликдаги орзу-ҳаваслар ўткинчи бўлади. Бироқ ҳарбий хизмат аталган ҳаёти мактабини ўтаётган даврда инсон қалбида уйғонган ҳавас ўзгарувчан бўлмайди.

Кичик сержант Йигитали Ёриевнинг кўнглида ҳам ҳарбий бўлиш иштиёқи аскарлик бурчини ўтаётган даврда уйғонди. Йигитали «Мен хизматни албатта давом эттираман», — деган ният билан ҳарбий хизматнинг илк кунлариданоқ ўзини ҳар томонлама чиниқтиришга, умумҳарбий низомларни мукаммал ўрганишга интилди, ҳарбий қоидаларга оғишмай риоя қилиши лозимлигини бир дақиқа бўлса-да унутмади. Тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан командирлар назарига тушди.

Шу тариқа Й.Ёриев ҳарбий хизматни аъло даражада якунлади. Ўзи туғилган Бухоро вилояти Жондор тумани Оғар қишлоғига, отаонаси, дўсту ёрлари ҳузурига қайтди. Лекин орадан кўп ўтмай кўнглидаги ҳарбий бўлиш ҳақидаги нияти уни Қуролли Кучлар сафига қайтарди ва Йигитали шартнома бўйича хизматни давом эттира бошлади. Ҳаракатчан киши ҳеч ерда назардан четда қолмайди. Йигиталининг айнан ҳарбийларга хос хислатлари командирларнинг эътиборини тортди, уни сержантлар тайёрлаш мактабига йўллашди. Ўқишни битириб, кичик сержант Йигитали Ёриев қадрдон қисмида хизматни давом эттирди. Ҳозирда ўз касби бўйича чуқур билим ва тажрибага эга Йигитали янги мавсумда янада юқори натижаларга эришиб, илғор сафдошларига тенглашиш орзусида пешқадамликни қўлдан бермай келяпти.

Қанчалик оғир бўлмасин, инсон ўз касбини севса, оилада тинчи бўлса қийинчиликлар уни чўчита олмайди. Йигитали ҳам ишдан қайтаркан, бир ёшга қадам қўйган ўғли Анваржоннинг ширин тил билан бийрон сўзлашлари, эркаланишлари барча чарчоғларини чиқариб юборади. Турмуш ўртоғи Раънохон ҳам унга ҳар бир ишда елкадош бўлишга интилади, умр йўлдошининг касбидаги масъулиятни у билан бирга ҳис қилишга ҳаракат қилади.

— Ўз касбим билан фахрланаман, — дейди Йигитали Ёриев. — Бу фахр олдимдаги бурч ва вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундайди. Бизнинг бурчимиз Ватан ҳимояси. Мақсадимиз ҳам шу — элимиз тинчлигини сақлаш, Ватанни муносиб ҳимоя қилиш.

Чин меҳр кўнгилда бўлади. Уни сўз билан ифодалаш қийин. Ватанга муҳаббат ҳам сўздан кўра кўзларда яққолроқ аксланади. Истардикки, қаҳрамонимиз сингари ўз касбини, Ватанини, оиласини бирдек севадиган, улар олдидаги муқаддас бурчини дилдан англайдиган ёшлар, юрт фарзандларининг сафи кенгаяверсин. Зеро, Ватанни асл фарзандлар ҳимоя қилади.

Зумрад ВАҲОБОВА.

Кўнгил дафтаридан

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ МАКТАБ

Қийинчилик ақлнинг чархи-ю, ғайратинг қайроғи бўлар экан.

* * *

Ғараз билан қилинган яхшилик ёмонликдан фарқ қилмайди.

* * *

Ҳақиқат қанчалик кўп қаршиликка учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқур жой олади.

* * *

Бир-бирларини унутиш имкони бўлмаган инсонлар ўзаро олис бўлсалар-да, доимо руҳан ёнма-ён бўладилар.

* * *

Узоқлашиш алвидо дегани эмас.

* * *

Тошқин сув... У тегирмонни бузиши ҳам мумкин, юргизиши ҳам.

* * *

Ҳамма арз ҳам ожизлик аломати.

* * *

Оламга эшикнинг тирқишидан қараш керак эмас! Одамга ҳам.

* * *

Умр ғанимат. Ростгўйлик билан ҳақиқатгина абадий қолади. Шуни унутмайлик.

Холида ЮСУПОВА.

Таълим ва ислоҳот



Пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида жойлашган бу баланд, ғиштин бинога ҳар куни юздан ортиқ болалар келишади. Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тўгаракларга кунда бўлмаса ҳам кунора бир янги ўқувчи келиб қўшилади. Ҳозирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Шахонтоҳур туман бўлими Болалар ижодиёти уйида 1100 га яқин ўқувчилар турли хил фан ва ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

БОЛАЛАР ИЖОДХОНАСИ

Бинонинг эшигидан кирганимизданоқ машғулотларга кириб кетаётган болалар қўлларини кўксига қўйиб, одоб билан салом беришди. Бу ерда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилганлигини ана шундан ҳам билса бўлади. Залдаги ўриндиқларда фарзандининг машғулотдан чиқишини кутиб ўтирган ота-оналар анчагина.

— Бу ерга биринчи келишимиз, — деди ўзини Сожида Бегайдарова деб таништирган аёл. — Бир танишим ўғлини доирачилар тўгарагига берганини эшитиб ҳавас қилдим. Кўп ўйланиб ўтирмай ўғилларим Умрзоқ билан Нурсултонни радиотехника тўгарагига олиб келдим. Улар Ҳамза туманидаги 307-мактабда ўқишади. Машғулотлар бепул экан. Фарзандларимни рўйхатга олиб, дарсларни бугундан бошлашди. Тўғриси, бундай яхши имконият борлигини кўпчилик билмайди. Ўзимизнинг туманда ҳам шундай тўгараклар ишлаётганини эшитиб, шу пайтгача бу нарсага қизиқмаганлигимдан хафа бўлиб кетдим. Болаларим ёшлигидан ҳунар ўрганса, вақтини бекорга ўтказмаса, дейман.

Машғулотлар хоналари бирин-кетин жойлашган. Қия очилган эшикдан ёш шахматчилар клуби аъзоларини кузатамиз. Устозининг атрофини ўраб олиб биллан машғулотларга келишади, — деди шахмат бўйича спорт усталигига номзод М.Абдуллаев. — Дарс жараёнлари жуда эркин, савол-жавоб, ўйинлар асосида ўтади. Мусобақаларга тайёрланаётган ўқувчиларимиз ҳам бор. Оиласида шахмат, шашка ўйнаганларга осонроқ, бошқаларга эса девордаги шахмат тахтасида биринчи сабоқни берамиз.

Шахмат ишқибозларининг ҳаммаси ўғил болалар, сал нарироқдаги хонада эса қизлар тикиш-бичиш билан машғул. Улар ичида ҳаммадан ҳам кичкина бир қиз эътиборимни тортди. Назокат Шомуродова Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабнинг 2-синфида ўқир экан.

— Нодира ва Нилуфар опаларимнинг тиккан нарсаларини кўриб, уларга эргашиб келавердим. Ҳозир дарсларга бирга қатнаяпмиз. Келажакда оилавий модалар ателъесини очмоқчимиз, — деди у катта ишонч билан.

Суҳбатимизга уларнинг устози келиб қўшилди.

— Ҳозир баҳорги мавсумга мослаб либослар кўргазмасини тайёрлаяпмиз, — деди либос-дизайн гуруҳи раҳбари Умида Муҳамедова. — Болаларнинг бири иккинчисини бошлаб келади. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси ҳам иштиёқ билан машғулотларга қатнашади, аллақачон дўстлашиб олишган. Ўқувчиларимнинг қизиқишларини кўриб вақтнинг қандай ўтганини сезмай қоламан.

Кейинги хона чет тилларини ўрганувчилар учун ажратилган экан. Рус, инглиз тили тўгаракларига қатновчилар ҳам юздан ортиқ. Бундан ташқари, бадиий нақшлик, миниатюра, тасвирий санъат, тикувчилик каби бир нечта тўгараклар ҳам ишлаб турибди. Болалар ижодиёти уйи директори Носир Файзиев биз билан хайрлашар экан: «Компьютер хонаси, ёш шоирлар ва журналистлар тўгараклари ишини ҳам яхшилашимиз керак. Ниятимиз — ўқувчиларимиз сафини янада кенгайтириш. Келажакда улар биз фахрланиб юрадиган ишлар қилишига ишонаман», — деди.

Бирор илм, ҳунарни ўрганиш игна билан қудуқ қазишга баробар. Кейинги пайтда катталарнинг кўпчилигидан бугуннинг болаларини дарсларга қизиқтириш қийин, деган гапни эшитамиз. Бироқ мактабдаги дарсини уддалаб, тўгаракка боришга ҳам вақт топадиган болаларни кўрганимизда бу фикрга қўшилгимиз келмайди. Чунки уларнинг бугуни, келажаги бор. Биз бугун кўрган ўғил-қизларнинг кўзларидаги ишонч, иштиёқ ҳам буни исботлаб турибди.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Замондошларимиз

«Ёлғизингиз етмиш бешга кирди, онажон!»



"Эҳ онам, онажонгинам-а! Йигирма бешингизда отамнинг бевақт ўлимидан сўнг бевалик либосини кийганча, шу кўйи уни ечмадингиз-а? Ёлғизингиз — ёлғиз ўғлингизни ўгай ота қўлида кўнгли ўксимасин дедингиз. Отамга шу қадар меҳр берганингизни таърифлашга сўз ожиз. Бу ёруғ оламда энг меҳрибон, энг бардошли, энг вафодор ва энг гўзал аёл ким, деб сўрасалар, "Менинг онажоним", — дейман. Ҳаётингизнинг сўнгги кунларида: "Ўғлим, умидларим ушалди, илоҳо, умринг узун бўлсин, сендек ўғилни бергани учун аллоҳга шукур", — деган дуоларингиз ҳамон қулоғимда. Мана ёлғизгинангиз ҳозир етмиш бешга кирди. Мен ҳақимда ёзмоқчи бўлган журналист укамнинг биринчи саволиёқ сизни ёдимга солди. Илоҳо, жойингиз жаннатда бўлсин, онажон..!"

Қидирбой аканинг титраётган лаблари, намланиб бораётган кўзларидан юқоридаги мисраларни англаш қийин эмас.

Ўшанда, минг тўққиз юз ўттиз бешинчи йил эди. Қидирбой уч ёшга тўлиб-тўлмай отасидан айрилади. Очарчилик, қимматчилик, уруш йиллари, болаликнинг нима эканини билмай ўтган дамлар. Отасизликдан ўксимасин деб онасининг елиб-югурганлари-ю, эрта тонгдан то қаро кечгача далада чеккан машаққатлари. Урушдан кейинги оғир йиллар, не-не оналарни қон қақшатган айриликлар. Аммо Қидирбойнинг онасига ўхшаган муштипарлар меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат қилиб мажруҳ қалбларига малҳам топдилар...

Қидирбой аканинг ҳаёти ўзи бир китоб — катта бир китоб. У Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, умрининг салкам ярим асрини муаллимликка бахшида этган. Маҳалласида ҳамма уни "домла" деб эъзозлайди. Чунки у ўзбек тили ва адабиёти фанидан минглаб, ўн минглаб ўқувчиларга таълим берган. Мактабдан бўш пайтларида газеталарда ҳам ишлаган. Унинг қаламига мансуб қизиқарли мақолалар деярли барча газета, журналларда босилган. "Икки бошли келин" номли қизиқарли китоби чиққан.

"Миллий тикланиш" газетамизда ҳам Қидирбой аканинг кўп мақолалари чоп этилган. Куни кеча таҳририятимизга яна мақола олиб келибди. Ҳавасимиз келди. Етмиш беш ёшда ҳам ижод қилиб, ўзи таҳририятга келиб турса, журналистлар билан ижодий ҳамкорликни канда қилмаса! Бундай инсонга фақат таъзим қиламиз.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Тадбир

ПОЧТА ТИЗИМИДА ЯНГИЛИК

Бутунжаҳон почта иттифоқининг актлари талабига мувофиқ, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти томонидан халқаро посилкаларда штрихкод билан биргаликда ёрлиқларни қўллаш амалга оширилянти. Ана шу ва бошқа масалаларга бағишлаб яқинда Тошкентда семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари Х.Тожибоева олиб борди. Унда тизимдаги мутахассислар ва жойлардаги филиал директор ўринбосарлари иштирок этишди.

Семинар-йиғилишда республикадан чиқиб кетаётган халқаро посилкаларни штрихкодлаш билан иденцификациялашнинг аҳамияти ва унинг тартиби, филиаллардан пенсия тўловининг бажарилиши бўйича маълумотларнинг электрон почта орқали узатилишининг ташкил этилиши, электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш, узатиш ва тўловларни бажарадиган ходимлар ишини назорат қилиш ҳамда почта пул ўтказмаларини электрон пул ўтказмалари тизимига боскичма-боскич ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Халқаро посилкаларни штрихкодлаш билан биргаликда ёрлиқларни қўллаш ишлари жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб амалга оширилади.

Иззат АҲМЕДОВ.

Бешикчи уста Дилшод Комилов 14 йилдирки ота касбини улуғлаб, ҳунармандлик иши билан шуғулланиб келмоқда.

— Халқимизда азалдан бешик энг қадрли буюм саналади, — дейди у. — Биз ясаган бешиклар хонадонларга қувонч олиб киришини, унда бир эмас, бир нечта гўдак улғайишини ўйласам, бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилади. Болалигимда бу ҳунарни отамдан ўрганганман. Ҳозир ўндан ортиқ шогирдим бор.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

ИНСОН ҲАЁТИНИ УЗАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Инглиз биологи Д. Хантер 1776 йилда: «Агар одам ўз ҳаётининг 10 йилини музлатгичга қўйса, шундан сўнг танасини илитса, 1000 йилга қадар яшаш имконияти бор экан", — деб маълум қилган экан. Ноилож одам танасини унинг соғлиғи, ҳаётига хавф қилмасдан совутишнинг сўнгги имконияти 26-28 градус, холос. Ундан пасайтирилган ҳароратда юрак клеткаларининг ҳаракатида хавфли ўзгариш бўлиши мумкин.

Текширувларда бузоқ билан чўчқаларни 0 градус ҳамда ундан ҳам паст музлатиш мумкинлиги маълум бўлди. Шунга кўра, келажакда одамга нисбатан тиббиётда айрим тажрибаларни ўтказиш мумкин. Бунга далиллар кўп.

1756 йили бир швед деҳқон маст бўлиб совуқда ухлаб қолади. Одамлар уни бир кун ўтгач топишади. Ўликни дафн этишга тайёрлашган пайтида, дўхтир келиб, музлаб қолган «марҳумнинг танасида ҳали яшаш белгилари бор» эканлигини айтади. Ҳақиқатдан ҳам бир неча соат ўтгандан сўнг «ўлик» тирилади. У кейин кўп йиллар яшабди.

Кейинги воқеа Напалеон маршали Д.Ориано ҳақида. Профессор Жан Ростан шундай деб ёзган экан: «Маршал ўқ текканидан кейин ерга қулабди. Уни ўлдига йўйиб, қорнинг остига дафн қилишибди. Эртасига мурдани Францияга олиб бориш учун қазиб олишганда, у уйғониб кетади ва одамлар қўрқиб кетишган экан».

Тағин бир воқеа: 1917 йили Буэнос – Айресда музлаткич ичида 70 ёшдаги бразилиялик ишчи эҳтиётсизлик қилиб қолиб кетибди. Уни 4 соатдан кейин топиб олишади. Ишчилар уни ўлди дейишиб, иссиқ жойга олиб келишибди. Кечаси «марҳум» уйғониб, ўзига келади ва эртаси куни ишга чиқади.

1951 йили чикаголик негр қизи Доротини ўлди деб ҳисоблашган. У аёзда тун бўйи ётган бўлишига қарамасдан тирилиб кетибди. Шу пайтда унинг тана ҳарорати 18 градусга пасайган экан, яъни одатдаги инсон ҳароратининг ярми бўлган. Медицинанинг ҳамма қоидасига кўра, у ўлиши керак экан.

Ўқинг, қизиқ!

1969 йили Қозоғистонда қалин қор ёққан. Касби чўпонлик бўлган Холжон деган киши бўронда адашиб, 15 кун йўқолибди. Ҳатто, уни вертолёт билан ҳам излашибди. Адашган одам қуёш чиққандан кейин бир дарахтнинг тагидан топилибди. Толга суяниб ўтирган ҳолатда, қотиб қолган экан. Қарангки, у тирик экан. Иссиқ уйда устига спирт суркаб, оёқ-қўлини уқалашгач, киприклари қимирлабди. Унга иссиқ чой беришганда, тилининг тагида қуртнинг обдон эзилган кичкина донаси кўринибди!

15 кун «ўлиб» қайта тирилган Холжон ака шундан кейин ҳам узоқ яшабди. Аллоҳнинг қудрати билан улар тирик қолган.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Хушхабар

ҒАЛАБА МУБОРАК, «ПАХТАКОР!»

Тарихга назар ташлар эканмиз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи мамлакатлар чемпионлари қатнашадиган нуфузли турнирларда бир қатор жамоаларимиз турли натижаларни қайд этишган. Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси 1994 йилги мусобақада финалга чиқиб, мағлуб бўлганди. Кечаги баҳсгача бу энг юқори кўрсаткич бўлиб, ҳеч қайси клубларимиз Юрий Саркисян шогирдлари эришган ютуққа яқинлашмай келаётгандилар. Яқинда бундай бахт Тошкентнинг "Пахтакор" жамоасига насиб этди. У якшанба куни «МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги»да ғолибликни қўлга киритди. Финалда футболчиларимизга Латвиянинг "Вентспилс" жамоаси рақиблик қилди. Қизиқарлиси, иккала жамоа ҳам бир гуруҳдан ўрин олиб, илк беллашувда латишлар ғалаба қозонганди. Мутахассислар бу жамоаларнинг мусобақа давомида кўрсатган ўйинларига қараб, ғолиб кескин курашлар остида аниқланишини башорат қилишди. Бироқ, Равшан Ҳайдаров жамоаси бош совринга ҳақиқий даъвогар сифатида ўйинни ҳужумлар ёмғири остида бошлади. Майдоннинг ҳар бир чизиғида устунлик қилган пахтакорчилар якунловчи зарбага яқин қолганда ноаниқ ҳаракат қилишди.

"Вентспилс" томонидан онда-сонда уюштирилган ҳужумлар ҳеч қандай наф бермади. Асосий ва қўшимча вақтларда ҳисоб очилмади. Ғолиб пенальтилар сериясида аниқланадиган бўлди. Ўзига хос лотерея баҳсини вакилларимиз бошлаб берди. Илк зарбани нафақат "Пахтакор"нинг, балки Ўзбекистон терма жамоасининг асосий ўйинчиси Сервер Жепаров берди. Доимий равишда "пенальти"ни аниқ бажарадиган ўйинчимиз бу пайтда мўлжални аниқ ололмади. Лекин омад "Пахтакор"га кулиб боқди ва у чемпион бўлди!

Суннатилла ИСЛОМОВ.

БОБОЛАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИДАН

Саломлашиш одоби

Таниш ёки нотаниш икки киши бир-бирлари билан учрашиб қолсалар, салом бериб кўришишлари жуда лозимдир. Танишлар фақатгина саломлашибгина қолмай, бир-бирларининг ҳолу аҳволларини сўрашлари керак.

Бир киши иккинчи кишига салом берса, дарров алик олиб, салом жавобини берсин. Саломни тўлиқ равишда "Ассалому алайкум", деб айтилсин. "Ассалом алайка", "Салом алайкум" ёки "Салом " ёхуд "Салом бердик", дейиш ярамайди. Салом жавоби "Ваалайкумус-салом" бўлиб, буни "Алайкум салом", "Алайкас салом" ё фақат "Алайкум", деб айтиш тўғри эмасдир. "Ассалому алайкум" — арабча сўз бўлиб, "Сизга тинчлик бўлсин", демакдир. "Ваалайкумус-салом" эса "Сизга ҳам тинчлик бўлсин", деган сўздир.

Бошни эгмасдан, қўлларни кўкракка қўйиб салом бериш тавсия қилинади. Кўп кишига учрашиб қолган киши уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида салом бермасин, ҳаммасига битта салом кифоя қилади. Ёши кичик киши ёши каттага, юриб кетаётган киши ўтирган кишига салом бериши лозим. Камситиб, таҳқир қилгандай бўлиб, илжайиб салом бериш одобдан эмас. Салом самимий бўлсин. Салом олган киши бошини қимирлатибгина қўймасин, салом жавобини ҳурмат билан тўла-тўкис эшиттириб айтсин. Бир киши танишини узоқдан кўриб қолиб, унинг ёнига келиш иложини топмаса, ўша ердан туриб, қўлини қўксига қўйиб салом ишорасини берсин.

Қўл бериб саломлашган чоғда, қўл учинигина бериб саломлашиш одобдан саналмайди. Бундай қилиш салом берган кишини камситиш, уни кўзга илмаслик бўлади. Узоқ вақт бир-бирлари билан учрашмаган кишилар қучоқлашиб кўришишлари мумкин.

Кўча-кўйда ўзини тутиш

Кўчада юрганда эҳтиётлик билан юриш, кийимларни ифлос нарсалар тегишдан сақлашга ҳаракат қилиш лозим. Оғизни очиб, ҳар нарсага аланглаб юриш яхши хислатлардан саналмайди. Бозорда ва одамлар йиғилган жойларда жуда эҳтиёт билан юриш тавсия қилинади. Бепарволик билан қадам ташлаб, кишиларнинг оёқларини босиб олиш ёки туртиб юбориш, шундай бежо ҳаракатлар орқали бошқаларга озор бериш яхши эмас. Агар икки эркак киши ёки аёл сўзлашиб турган бўлса, уларнинг ўртасидан ёриб ўтиш тарбиясизлик саналади.

Агар йўлда қария учраб қолса, ҳурмат юзасидан унинг ортидан юриш лозим. Иши зарур бўлиб шошиб турган киши йўловчи қарияга туртилиб кетмай, олдинга ўтиб кетиши мумкин.

Одамлар ўтиб турган йўл устида сўзлашиб туриб, ўтувчиларга халақит бериш тўғри эмас, четроқ жойда туриб сўзлашиш лозим. Йўловчи йўл устида ётган тош, тикан каби нарсаларни кўрса, уларни четроққа олиб ташласа, бошқа йўловчиларга фойда етказган бўлади. Йўл устига тупурмоқ, бурун қоқмоқ ва ифлос нарсалар ташламоқ тарбиясизлик саналади. Йўлда чол, заиф киши ёки кичик ёш бола учраб қолса, уларга ёрдам қўлини чўзиш зарурдир. Уларнинг юклари бўлса, дарров қўлларидан олиб ёрдам берган киши жуда ҳам олижаноблик қилган бўлади.

Кўчанинг бир чеккасида дам олиб ўтирган киши одоб-тарбия қоидаларига риоя қилсин. Ўтиб кетаётган хотин-қизларга тегажоқлик қилиш одобсизликдир. Дам олиш учун ёнига бирор киши келиб ўтирса, иғво, фасодлардан тилини тийсин. Бирор киши тойиб, йиқилиб кетганини кўрса, дарҳол ўрнидан туриб, унга ёрдам берсин.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Инсон организми оғирлигининг 3 фоизга яқинини азот элементи ташкил этади. Буни қарангки, азот сўзи грекча бўлиб, «Ҳаётни инкор этувчи» маъносини билдиради. Бироқ қизиқарли томони шундаки, азот бирикмалари тирик организмнинг ҳаётини ташкил этади, исмига қараб хулоса чиқарма деганлари шу бўлса керак-да.

* * *

Даврий система асосчиси Д.И.Менделеев ўз оиласининг энг кичик фарзанди. У оилада 17-фарзанд бўлиб дунёга келган.

* * *

Инсон организмида тахминан 80 гр темир, 150 гр натрий, 1000 гр кальций, 60 гр магний бўлади.

* * *

1 кг керосин тўлиқ ёнганда тахминан 1 л сув ҳосил бўлар экан.

* * *

1826 йилда француз олими А.Ж.Болар бром элементини кашф этди. Бром жуда қўланса ҳидли ва заҳарлидир. У инсон организмида бирикмалар ҳолида мияда ҳам учрайди.

«Заҳар одам»ларда бром бирикмалари кўпроқ бўлса ажаб эмас.

* * *

Буқоқ касаллиги кўпинча йод моддаси етишмаслигидан келиб чиқади. Турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ош тузига жуда оз миқдорда йодни 1811 йилда француз кимёгари Б.Куртуа кашф этган.

* * *

Сувни тўрт хил кимёвий бирикмалар синфига киритиш мумкин.

Жаҳон ҳафта ичида

«MITSUBISHI» РОССИЯДА

Японияниг «MITSUBISHI» компанияси Россияда автомобиль ишлаб чиқарувчи завод очишни режалаштирди. Умумий қиймати 415 миллион АҚШ доллари деб баҳоланаётган корхона 2010 йилда қуриб битказилади.

Тахминларга кўра, янги корхона 2010 йилдан бошлаб йилига 200 мингта машина ишлаб чиқаради. Компаниянинг бундай режа тузишига Россияда бу автомобилларга талаб катта эканлиги сабаб бўлди. Агар компания Россияда ўз режасини амалга оширса, унда у бу давлатда иш бошлаган «Toyota» ва «Nissan» компанияларидан сўнг учинчи Япония компанияси бўлади. Ўтган 2006 йилда «Mitsubishi» Россияга 70 мингга яқин машина сотган.

ЙИҚИЛИШ БЎЙИЧА РЕКОРД

Америкалик 29 ёшли Жошуа Хенсон 17-қаватдан йиқилиб тушиб тирик қолганига биров ишонса, биров ишонмайди.

Ўша куни кечқурун у дўстлари билан учрашиб, «оқи»дан отиб олганди. Хенсон тахминан тунги 1:30ларда «Huatt Regency» номли меҳмонхонага қайтиб келади. Унинг хонаси меҳмонхонанинг ўн еттинчи қаватида жойлашганди. Ўша қаватга лифтда чиққан Хенсон йўлак бўйлаб чопиб кетаётиб, мувозанатни йўқотади. Ойна синиб кетади, у пастга қулайди.

Шифокорлар унда енгил жароҳатлар борлигини аниқлаб, тезда соғайиб кетишини айтишди. Баланд қаватли бинодан сакрашда ўзи билиб-билмай йиқилиш бўйича рекорд қўйган бу одамдан ўтадигани ҳалигача бўлган эмас.

БЎРИ ОВЛОВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ

Россияда бўри овловчилар учун мукофот таъсис этилди.

Мукофот миқдори катта ёшдаги бўрилар учун уч минг рубль, бўриваччалар учун эса бир ярим минг рубль деб белгиланган. Бундан ташқари, бўри овловчи энг яхши овчи учун ҳам мукофот эълон қилинган. Мусобақа ғолиби 20 минг рубль, 2-ўрин соҳиби эса 15 минг рубль, 3-ўринни эгаллаган овчи 10 минг рубль билан тақдирланади.

Хўш, бўриларнинг кимга зарари тегибди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Гап шундаки, бўрилар Амур вилояти ҳудудидаги чорвачиликка катта зиён етказган. Бу ерда йилига олти юз бошдан ортиқ шимол буғулари йиртқичларга ем бўлаётир.

Энг кекса киши оламдан ўтди

Айни пайтда дунёда энг қари киши ҳисобланмиш Пуэрто риколик Эмилиано Меркадо дел Торо ўтган ҳафта вафот этди, деб хабар беради «Ассошейтд пресс» ахборот агентлиги.

Қариндошлари берган маълумотларга кўра, у ўз уйида 115 ёшида бандаликни бажо келтирди. Айтишларича, у уйланмаган экан. Шу сабабли қариндошлари билан истиқомат қилар эди. Гиннеснинг рекордлар китобига АҚШлик Элизабет Болдн вафотидан сўнг кирган эди. Эслатиб ўтамиз, Элизабет Болдн 116 ёшида оламдан ўтганди.

ИЖТИМОИЙ СЎРОВ



Россиянинг «Известия» газетаси салкам 120 минг нафар киши иштирок этган ижтимоий сўров натижаларини эълон қилди.

Бу жаҳон иқтисодининг қанчалик мустаҳкамлигию унинг қайси омилларга таяниб қолаётганини кўрсатувчи сўровномалардан бири бўлиб, 30 дан ортиқ мамлакат фуқаролари иштирок этишди. Сўровномада асосан заминимизнинг шарқий қисми аҳолиси қатнашди.

Дунёда иқтисодий инқирозлар келиб чиқишига нималар сабаб бўлади, деган саволга респондентларнинг 49,8 фоизи АҚШнинг бир томонлама сиёсати деб жавоб беришди. 26 фоизи доллар қадрининг тушиши, 15,9 фоизи глобал исиш, 8,4 фоизи эса бунга Хитойдаги иқтисодий инқироз сабаб бўлади, деб ҳисоблар экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 23.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2344
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 20.00